


**Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология  
Вазирлиги**

**Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари  
касаба уюшмаси Республика кенгаши**



**ТАРМОҚ ЖАМОА КЕЛИШУВИ**

*(2023 - 2025 йиллар учун)*

**Тошкент – 2023**

## МУНДАРИЖА

I.	<i>Бўлим. Умумий қоидалар</i>	-	2
II.	<i>Бўлим. Тарафларнинг мажбуриятлари</i>	-	2
2.1.	<i>Вазирлик мажбуриятлари:</i>	-	2
2.1.1.	<i>Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти</i>	-	2
2.1.2.	<i>Меҳнат шартномаси ва бандликни таъминлаш</i>	-	4
2.1.3.	<i>Иш вақти ва дам олиш вақти</i>	-	8
2.1.4.	<i>Меҳнатга ҳақ тўлаш</i>	-	14
2.1.5.	<i>Меҳнатни муҳофаза қилиш</i>	-	19
2.1.6.	<i>Ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар</i>	-	22
2.1.7.	<i>Ижтимоий шериклик. Касаба уюшмаси фаолиятининг кафолатларига риоя этилиши</i>	-	26
2.2.	<i>Касаба уюшмаси Республика кенгашининг мажбуриятлари</i>	-	28
III.	<i>Бўлим. Тарафларнинг биргаликдаги мажбуриятлари</i>	-	30
IV.	<i>Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар</i>	-	33
V.	<i>Бўлим. Ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар</i>	-	34
VI.	<i>Маданий-маърифий ишларни яхшилаш учун тарафлар қўйидагиларни ўз зиммасига оладилар.</i>	-	35
VII.	<i>Бўлим. Келишувнинг бажарилишини ташкил қилиш ва назорат қилиш тартиби</i>	-	36

**Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги билан  
Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси  
Республика Кенгаши ўртасида 2023-2025 йиллар учун  
ТАРМОҚ ЖАМОА КЕЛИШУВИ**

**I Бўлим. Умумий қондалар**

**1.1.** Мазкур келишув тармоқ миқёсидаги ҳуқуқий ҳужжат бўлиб **Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги** (кейинги ўринларда – «**Вазирлик**») билан Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши (кейинги ўринларда – «Республика Кенгаши») ўртасида **вазирлик** (тармоқ) тизимидаги барча юридик шахс мақомидаги корхона ва ташкилотларни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, меҳнат шартларини ва унга ҳақ тўлашни, тармоқда яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш, тармоқ даражасида тарафларнинг меҳнат шароитлари, бандлик ҳамда ижтимоий кафолатларга доир мажбуриятларини белгилаш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилган.

**1.2.** Мазкур келишув тармоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, меҳнат шартларини ва унга ҳақ тўлашни, тармоқ ходимлари учун ижтимоий кафолатларини белгиловчи тармоқ миқёсидаги меъёрий ҳужжатдир.

**1.3.** Мазкур келишув асосида мулкчилик шаклидан қатъий назар **вазирлик** (тармоқ) тизимидаги барча корхона ва ташкилотларда, иш берувчи билан касаба уюшмаси органи ўртасида жамоа шартномалари тузилади.

Вазирлик (тармоқ) корхона ва ташкилотлар ўз ички имкониятларидан, ишлаб-чиқариш ва хўжалик фаолиятлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда мазкур келишувга киритилган у ёки бу кўрсаткичларни камайтирмаган ҳолда жамоа шартномаларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

**II Бўлим. Тарафларнинг мажбуриятлари**

**2.1. Вазирлик қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

**2.1.1. Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти.**

**2.1.1.1.** Тоғ-кон саноати, геология-қидирув, **бурғилаш** ва геологик-тасвирлаш, ҳудудларни геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича комплекс тадқиқотлаш, фойдали қазилма ресурсларининг истиқболли майдонларини аниқлаш ишларининг самарадорлиги оширилишини таъминлаш.

**2.1.1.2.** Асосий кўрсаткичлар бўйича йиллик ишлаб чиқариш вазифалари ва белгиланган режаларнинг бажарилишини таъминлаш, ер ости фойдали қазилма бойликларининг башоратли ресурсларини аниқлаш мақсадида янги ҳудудларни геологик тадқиқот, излаш ва тасвирлаш, илмий-тематик ишларга оид лойиҳаларни амалга ошириш.

**2.1.1.3.** Тизимдаги корхоналарда ижтимоий тўловлар ва имтиёзлар учун сарфланадиган харажатларни аниқлаш бўйича касаба уюшма ташкилотлари сайланма органларининг фикрини инобатга олган ҳолда режа-назорат кўрсаткичларнинг шакллантирилишини таъминлаш.

**2.1.1.4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегия”га мувофиқ ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ҳамда ўз шаънига путур етказиш мумкин бўлган омилларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. Шу жумладан (23-мақсад):

- истиқболли майдонларда геология-қидирув ва конларда қазиб олиш ишларига шаффоф механизмлар асосида маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш;

- иқтисодиёт учун зарур минерал хом ашё базасини кенгайтириш;

- углеводород хом ашёси мавжуд конлар, геология-қидирув майдон ва структураларини таҳлил қилган ҳолда уларга шаффоф механизмлар асосида инвесторларни жалб қилиш орқали қазиб чиқариш ҳажмларини ошириш;

- геология соҳасида замонавий таълим стандартларини кенг жорий этган ҳолда малакали кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш;

- модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуролантириш жараёнларини жадаллаштириш, энергия тежамкорлигини таъминловчи замонавий технологияларни жорий қилиш;

- ишлаб чиқаришда электроэнергия ва материаллар сарфлари ва бошқа харажатларни камайтириш ҳисобига тежамкорликнинг қатъий режимини жорий қилиш, ишлаб-чиқариш харажатлари ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини камайтириш, шу жумладан, технологик жараёнларни такомиллаштириш;

- иш ҳақининг унумдор меҳнатга ундовчи ролини кучайтириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимини такомиллаштириш;

- инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш;

- техник, технологик ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

**2.1.1.5.** Ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш, сайёр қабулларни жорий этиш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан Қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш (Бош жамоа келишувнинг 23- банди)

**2.1.1.6.** Меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида Тармоқ касаба уюшмаси ва Вазирлик билан тизимли ҳамкорлигини таъминлаш. (Бош жамоа келишувнинг 24-банди)

**2.1.1.7.** Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича киритган тақдимномаларини иш берувчилар кўриб чикмаганда ёки ундаги талабларни бажаришни асоссиз рад этганда Давлат меҳнат инспекциясига берилган қонуний ваколатларни қўллаган ҳолда бажарилишини таъминлашда кўмаклашиш. (Бош жамоа келишувнинг 25-банди).

**2.1.1.8.** Тармоқда меҳнат қилаётган ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини

енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш. (Бош жамоа келишувнинг 26-банди).

**2.1.1.9.** Ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий саводхонлигини ошириш. (Бош жамоа келишувнинг 28- банди)

**2.1.1.10.** Халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ташкилотларда ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш.

### **2.1.2. Меҳнат шартномаси ва бандликни таъминлаш.**

**2.1.2.1.** Касблари, малакалари ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ муайян касб, мутахассислик, малака ёхуд лавозим бўйича иш билан ходимларнинг тўлиқ бандлигини таъминлаш.

**2.1.2.2.** Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишини фақатгина касаба уюшма қўмитасининг олдиндан ёзма розилиги олинган ҳолда амалга ошириш, бундан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра куйидаги ҳолларда бекор қилинганда касаба уюшма қўмитасининг розилиги талаб этилмайди:

- корхонани тугатилиши муносабати билан;

- Касаба уюшма қўмитаси ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилишга розилиги масаласи бўйича қабул қилинган қарорлар ҳақида меҳнат шартномаси бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ёзма тақдимномаси олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда иш берувчига хабар қилиши керак. Агар кўрсатилган муддат тугаганидан кейин касаба уюшмаси қўмитаси қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилинмаса, иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексида белгиланган тартибда касаба уюшма қўмитасининг розилигисиз бекор қилишига ҳақли.

- иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай меҳнат шартномасини бекор қилишига ҳақлидир.

- умумий ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий таълим ташкилотларининг тегишли таълим ташкилотини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилар билан меҳнат шартномаси тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтганга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганда иш берувчи бу ҳақида маҳаллий меҳнат органига ёзма шаклда хабар қилиш керак.

Меҳнат шартномасини бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган иш берувчининг мазкур масаладаги ёзма тақдимномаси касаба уюшма қўмитасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг 19.03.2021 йил 2-37 “с” сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшма органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби”га мувофиқ кўриб чиқилади.

**2.1.2.3.** Технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгариши сабабли ташкилот ходимларининг сони ёки штати ўзгарганлиги, ишлар

(махсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда:

- ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади. Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (*келгусида Меҳнат кодекси*) 167-моддаси талабларига мувофиқ ишда қолиш афзалликларига эга бўлган ходимлар тоифаларини аниқлаш;

- ишлаб чиқариш зарурияти ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда вақтинча ва ўриндошлик лавозимида ишлаётганлар сонини чеклаш;

- ишдан бўшатилаётган ходим корхона ёки ташкилотга (иш берувчига) зарур бўлган ихтисослик бўйича меҳнат муносабатларини давом эттириш хоҳишини билдирса, унинг касбга қайта ўқитилишини ташкил қилиш ва ўқиш даврида унга ўртача иш ҳаққи тўлаш.

**2.1.2.4.** Таркибий бўлинмаларни тугатиш ёки таркибий жиҳатдан қайта ўзгартириш масалалари тўғрисида касаба уюшма кўмиталарини олдиндан хабардор қилиш.

**2.1.2.5.** Ходимларни келгусида ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш ҳолатларида Меҳнат кодексининг 166-моддасига мувофиқ амалга оширилади:

**2.1.2.7.** Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш муносабати билан ходимни меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилмаган бошқа ишга унинг розилигисиз, иш берувчининг ташаббусига кўра вақтинча ўтказишга йўл қўйилади. Бунда ходим соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма бўлган бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас. Бекор туриб қолиш сабабли ходимни пастроқ малака талаб этиладиган ишга вақтинча ўтказишга ходимнинг ёзма розилиги билан йўл қўйилади. (Меҳнат Кодексининг 145-моддаси)

Ишда бекор туриб қолишнинг олдини олиш ёки бартараф этиш, вақтинча йўқ бўлган ходимнинг ўрнига ишлаб туриш, ишлаб чиқариш аварияси ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш, фавқулодда ҳолат ёки фавқулодда вазиятда бажариладиган ёки табиий, техноген ва экологик тусдаги (ёнғин, сув тошқини, zilзила, эпидемия, эпизоотия ва бошқа) ҳалокат оқибатларининг олдини олиш ва (ёки) уларни бартараф этиш мақсадида, шунингдек бутун аҳоли ёки унинг бир қисми ҳаёти ёки нормал яшаш шароитларига таҳдид солувчи бошқа ҳолларда амалга ошириладиган кечиктириб бўлмайдиган қутилмаган ишларни бажариш зарурати ишлаб чиқариш заруриятидир.

Ишни иқтисодий, технологик, ташкилий сабабларга, бошқа ишлаб чиқаришга доир ёки табиий хусусиятга эга бўлган сабабларга кўра вақтинча тўхтатиб туриш бекор туриб қолишдир.

Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш муносабати билан ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бажараётган ишига қараб, бироқ аввалги ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш муносабати билан ходимни бошқа ишга ўтказиш давлари бир календарь йил давомида жами олти иш календарь кундан ошиши мумкин эмас.

Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш муносабати билан ходимни бошқа ишга ўтказишнинг охириги муддатлари, меҳнатга ҳақ тўлашнинг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш заруриятининг алоҳида ҳоллари жамоа шартномасида белгиланади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишувга кўра аниқланади.

**2.1.2.8.** Ходимларни дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб қилишни Меҳнат кодексининг 210-212 моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш.

**2.1.2.9.** Худудий бандлик дастурига киритилган корхоналарда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни иш жойи билан таъминлаш учун маҳаллий ҳокимиятлар томонидан белгиланган квоталарга амал қилинган ҳолда қўшимча иш ўринлари яратилишини таъминлаш.

**2.1.2.10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги Фармонида мувофиқ касаначилик меҳнати жорий қилинган корхоналарда касаначиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат кафолатларини билан тасдиқланган “Касаначилик меҳнати тўғрисидаги Низом” асосида таъминлаш.

**2.1.2.11.** Иш берувчи ходимларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ходимлар рўйхати, шунингдек молиялаштириш манбаси кўрсатилган ҳолда йиллик дастурларни тасдиқлайди.

**2.1.2.12.** Яширин ишсизлик ҳолатларида (қисқартирилган иш режими, ходимнинг айбисиз бўш туриб қолишлар ва ҳ. к) ходимлар учун мазкур келишувда кўзда тутилган ҳуқуқ, имтиёз ва кафолатларни сақлаш.

**2.1.2.13.** Штатлар қисқартирилганда Меҳнат кодексининг 161-моддасида муддатлари кўзда тутилган ходимлар тоифаларидан ташқари пенсия ёшига тўлишига 2 йил қолган ходимларга ҳам ишда қолишда афзаллик берилади.

**2.1.2.14. Вазирлик** миқёсида ва унинг тасарруфидаги корхоналарда ходимнинг ишдаги ютуқлари ва муваффақиятлари учун қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилади:

- давлат мукофотлари билан тақдирланишга номзодини тавсия этиш;
- вазирлик фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш;
- корхоналар фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш;
- пул мукофоти билан рағбатлантириш;
- қимматбаҳо совға билан тақдирлаш;

**2.1.2.15.** Интизомий жазо чоралари қўлланилган ходимларга интизомий жазо чоралари амал қилиш муддат мобайнида рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

**2.1.2.16.** Олий ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотларида битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Миллий гвардиянинг, Давлат хавфсизлик хизмати қўшинларидаги муддатли ҳарбий хизматдан бўшаган шахсларни ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

**2.1.2.17.** Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш:

“Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги” 1930 йилги Конвенция (29 – Конвенция). 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

“Ҳафта давомидаги иш вақтини қирқ соатгача қисқартириш тўғрисидаги” 1935 йилги Конвенция (47 – Конвенция). 1995 йил 6 майда ратификация қилинган.

“Йиллик ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисида”ги 1936 йилги Конвенция (52 – Конвенция). 1995 йил 6 майда ратификация қилинган.

“Бирлашмалар эркинлиги ва қасаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи тўғрисида”ги Конвенция (87 – Конвенция); 2016 йил октябрь ойида ратификация қилинган.

“Қасаба уюшмаларига бирлашиш ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқи принципларининг қўлланиши тўғрисида”ги 1949 йилги Конвенция (98 – Конвенция). 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

“Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 1951 йилги Конвенция (100 – Конвенция). 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1952 йилда қайта кўриб чиқилган) Конвенция (103 – Конвенция). 1995 йил 6 майда ратификация қилинган.

“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 1957 йилги Конвенция (105 – Конвенция). 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 1958 йилги Конвенция (111 – Конвенция)\*. 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

“Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида”ги 1964 йилги Конвенция (122 – Конвенция). 1995 йил 6 майда ратификация қилинган.

“Қорхонада меҳнатқашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида”ги 1971 йилги Конвенция (135 – Конвенция). 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

“Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 1973 йилги Конвенция (138 – Конвенция). 2008 йил 4 апрелда ратификация қилинган.

“Жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисида”ги 1981 йилги Конвенция (154 – Конвенция). 2008 йил 4 апрелда ратификация қилинган.

“Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисида”ги 1999 йилги Конвенция (182 – Конвенция). 2008 йил 8 апрелда ратификация қилинган.

- “Халқаро меҳнат нормалари қўлланишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида”ги 1976 йилги Конвенция (144-сонли конвенция). 2019 йил 4 мартда ратификация қилинган.

- “Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекция тўғрисида”ги 1969 йилги Конвенция (129-сонли конвенция). 2019 йил 27 августда ратификация қилинган.

**2.1.2.18.** Ходимларини, таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларни мажбурий меҳнатга, шу жумладан туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари, металл чиқиндилари ва макулатура йиғиш, шунингдек, бошқа турдаги мавсумий ишларга жалб қилинмаслигини таъминлаш (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги 349-сонли қарори*).



**2.1.2.19.** Жамоа шартномаларида ёш мутахассислар малакасини ошириш ва кадрлар тайёрлаш масалалари бўйича юқори малака ва тажрибага эга бўлган ходимлар, шунингдек меҳнат фахрийларини жалб этиш кўзда тутилиши мумкин.

**2.1.2.20.** Агар меҳнат шартномасида белгиланган меҳнат вазифасига доир ишни холисона сабабларга кўра давом эттириш имкони бўлмаса, иш берувчи ходимга унинг мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган бошқа ишга ўтказишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса иш берувчида мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт (МК- 144 моддаси).

**2.1.2.21.** Ходим ва **Иш берувчи** ўртасидаги якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ улар томонидан тузиладиган меҳнат шартномаси асосида юзага келади.

Якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар қонунчиликда ва жамоа шартномаларида ёки ташкилот уставида (низомида) назарда тутилган ҳолларда лавозимга сайланиш, танловдан ўтиш, лавозимга тайинлаш ёки лавозимга тасдиқлаш натижасида меҳнат шартномаси асосида юзага келади. (МК-27-28 моддалари)

**2.1.2.22.** Корхоналарда ишга қабул қилиш чоғидаги дастлабки синов Меҳнат кодексининг 129 моддасида келтирилганлардан ташқари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайдиган ходимлар рўйхати жамоа шартномаларида назарда тутилиши мумкин.

**2.1.2.23.** Ходимларни ишга қабул қилиш чоғидаги дастлабки синов муддати меҳнат кодексининг 130-моддаси талаблари асосида амалга оширилади.

**2.1.2.24.** Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва жамоа шартномасида ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ҳолларда ходим меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган меҳнат вазифасига кўра ишни давом эттираётганда иш берувчидан меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақлидур (МК 136-модда)

**2.1.2.25.** Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим билан ҳисоб-китоб қилиш Меҳнат кодексининг 172-моддаси талаблари асосида амалга оширилади.

**2.1.2.26.** Ходим билан меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда ходимнинг ишдан маҳрум бўлиши оқибатларини юмшатиш мақсадида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси фақат Меҳнат кодексининг 173-моддаси талаблари асосида амалга оширилади.

### **2.1.3. Иш вақти ва дам олиш вақти**

**2.1.3.1.** Ходимлар учун иш вақтининг давомийлиги беш кунлик ёки олти кунлик иш ҳафтасида ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Сменада (навбатда) туриб ишлайдиган ходимларнинг иш вақти, иш вақтини жамлаб ҳисоблаш амалга оширилган ҳолда смена графигига мувофиқ аниқланади ва ҳисобга олинандиган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

**2.1.3.2.** Ходимлари учун иш вақти ва дам олиш вақтларининг режими Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ ички меҳнат тартиб-қоидалари билан белгиланади.

**2.1.3.3.** Қўйидагилар учун қисқартирилган (бир ҳафтада 36 соатдан ошмайдиган) иш вақти белгиланади:

Иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги қуйидагиларга мажбурий тартибда белгиланади:

ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга (МК 415-моддаси);

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга (МК 427-моддасининг биринчи қисми);

ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга (МК 477-моддаси);

иши юқори даражадаги руҳий ақлий, асабий зўриқиш билан боғлиқ бўлган тиббиёт ходимларига педагоглар ва бошқа тоифадаги ходимларга (МК 184-моддаси)

уч ёшгача бўлган боланинг бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда ишлайдиган ота-онасидан бирига (васийига) (МК 397-моддасининг биринчи қисми).

Ҳар бир корхонадаги меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишлар рўйхати ва улардаги иш вақтининг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарори билан тасдиқланган «Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижаларига кўра тегишли жамоа шартномалари орқали белгиланади (МК 183, 477 моддалари).

**2.1.3.4.** Оғир ва ноқулай табиий-иклим шароитларидаги иш учун кўшимча таътиллار (1 кундан 6 кунгача) тегишли жамоа шартномалари орқали белгиланади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.09.2019 й. 743-сонли қарори билан тасдиқланган «Низом», I Илова). (МК 481 моддаси).

**2.1.3.5.** Ходимни фақатгина унинг ва касаба уюшма кўмитасининг ёзма розилиги билангина ишдан ташқари вақтларда ишга жалб қилишга йўл қўйилади. Бунда иш сменаси 12 соатдан ортиқ бўлган ишчиларни, оғир ва зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни ва 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишдан ташқари вақтда ишга жалб қилмаслик (МК 189 моддаси).

**2.1.3.6.** Иш вақтидан ташқари ишнинг давомийлиги ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда – бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ошмаслиги керак.

Иш берувчи ходимнинг иш вақтидан ташқари ишининг давомийлиги аниқ ҳисобга олинишини таъминлаши шарт. (МК 190- моддаси)

**2.1.3.7.** Иш вақти жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, зарур бўлган тақдирда эса ҳисобга олиш даври мобайнида ходимларга тўланадиган иш ҳаққи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар жамоа шартномасида белгиланади, агар жамоа шартномаси тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишувга кўра аниқланади.

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш айрим тоифадаги ходимларни иш вақтидан ташқари ишга жалб этиш учун белгиланган чекловларга риоя этилган ҳолда белгиланади (МК 199 моддаси).

**2.1.3.8.** Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган фарзанди (16 ёшга – тўлмаган ногирон фарзанди) бор аёлнинг шу жумладан ҳомийлигида шундай фарзанди бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд

бўлган ходимнинг илтимосига кўра, тиббий хулосасига мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгиланади.

Тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси учун ходимларга ишлаган ҳақиқий иш вақтларига ҳақ тўланади (МК 186-моддаси).

**2.1.3.9.** Хар йилги асосий энг кам меҳнат таътилининг давомийлиги йигирма бир календарь кунни ташкил этади.

Ходимларнинг хар йилги асосий ва қўшимча меҳнат таътилларининг давомийлиги календарь кунларда ҳисоблаб чиқилади.

Ҳар йилги меҳнат таътили даврига тўғри келадиган ишланмайдиган байрам кунлари меҳнат таътилларининг давомийлигини белгилашда ҳисобга олинмайди.

Қонунчиликда белгиланганидан ташқари, хар йилги асосий узайтирилган таътилар бериш, шунингдек хар йилги асосий узайтирилган таътилнинг давомийлигини унинг қонунчилик билан қафолатланган давомийлигига нисбатан кўпайтириш жамоа шартномасида, ички ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимларига давомийлиги йигирма етти календарь кун бўлган хар йилги асосий узайтирилган таътил берилади, бундан давлат ходимларининг айрим тоифалари учун қонунда хар йилги асосий узайтирилган таътилнинг узокроқ давомийлиги белгиланган ҳоллар мустасно.

Ҳар йилги асосий узайтирилган таътилар айрим тоифадаги ходимлар учун ҳам улар меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларига ҳамда бошқа ҳолатларга қараб белгиланади. Бундай таътилар олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларнинг рўйхати ва ушбу таътилларнинг давомийлиги қонунчиликда белгиланади.

Қонунчиликда белгиланганидан ташқари, хар йилги асосий узайтирилган таътилар бериш, шунингдек хар йилги асосий узайтирилган таътилнинг давомийлигини унинг қонунчилик билан қафолатланган давомийлигига нисбатан кўпайтириш жамоа келишувларида, шунингдек жамоа шартномасида, ички ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилиши мумкин.

**2.1.3.10.** Иш жойларини аттестация қилиш натижаларига кўра ҳақ тўланадиган қўшимча таътилар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган тартибда берилади.

**2.1.3.11.** Иш ҳақи сақланадиган қўшимча меҳнат таътили қуйидаги ҳолларда берилади:

- ходимнинг биринчи никоҳ тўйларида - 3 куни
- фарзанд туғилганда (отасига) - 2 куни
- фарзандларининг никоҳ тўйларида - 3 куни
- яқин қариндошларининг ( ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, туғишган ака-ука ва опа- сингиллари, турмуш ўртоғининг ота-оналари) дафн маросимларида - 3 кун

**2.1.3.12.** Қуйидагиларга ёши ва соғлиғининг ҳисобга олган ҳолда ўттиз календарь кундан иборат бўлган йиллик узайтирилган асосий таътил бериш:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига;

**2.1.3.13.** Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боланинг ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) ҳар йили давомийлиги камида тўрт календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган кўшимча таътил берилади.

**2.1.3.14.** Ходимга у битта ташкилотда ёки тармоқда ишлаган ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саккиз календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги кўшимча меҳнат таътили берилади (МК 220-моддаси).

**2.1.3.15.** Янги йил, Халқаро хотин-қизлар байрами, Наврўз, Хотира ва кадрлаш куни, Мустақиллик куни, Рамазон ва Қурбон ҳайит, Устоз ва мурабийлар куни, Касаба уюшмалари ходимлари куни ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун байрамлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармонларига мувофиқ ходимларга кўшимча дам олиш кунларини белгилаш. Бунда, ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда байрамлар муносабати билан кўшимча белгиланган ишланмайдиган кунлар ҳам инобатга олинган ҳолда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади.

**2.1.3.7.** Ҳар йилги меҳнат таътилининг умумий давомийлигини ҳисоблаб чиқаришда кўшимча таътилар ҳар йилги асосий энг кам таътил ёки ҳар йилги асосий узайтирилган таътилга кўшиб жамланади.

Барча ҳолларда қонунчилик билан белгиланган таътиларни жамлашда уларнинг давомийлиги бир иш йили учун эллик олти календарь кундан ошиб кетиши мумкин эмас.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган чеклов қонунчиликда назарда тутилмаган, жамоа келишувларида, шунингдек жамоа шартномасида, иш берувчининг касаба уюшмаси кўмитаси билан келишувга кўра қабул қилинган ички ҳужжатларида ёхуд меҳнат шартномасида белгиланган меҳнат таътилларига нисбатан таътиқ этилмайди. (МК 222-моддаси).

**2.1.3.18.** Йиллик таътиларни бериш навбати ва тартиби календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 227 ва 228 моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда аниқланади.

**2.1.3.19.** Меҳнат кодексининг 228-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларидан ташқари яна қуйидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзда ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтларда берилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 153-сонли қарорига асосан ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича ҳисобда турган ходимларга;

б) бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимларга;

в) ишлаётган пенсионерларга;

**2.1.3.20.** Ходимнинг аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин иш ҳақи сақланмайдиган охириги таътил берилган кундан

этиборан календар йил давомида узлуксиз ёки жамланган ҳолда уч ойдан ошмаслиги керак.

Агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, карантин чоралари амалга ошириладиган, фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда ва бутун аҳолининг ёки унинг бир қисмининг ҳаётига ёхуд нормал яшаш шароитларига таҳдид солувчи бошқа ҳолларда ходимнинг ёзма аризасига кўра иш ҳақи сақланмайдиган таътилнинг узлуксиз ёки жамланган давомийлиги кўпайтирилиши, бироқ кўпи билан олти ойгача кўпайтирилиши мумкин. (МК-241 моддаси)

**2.1.3.21.** Меҳнат шартномасини бекор қилишда (шу жумладан унинг муддати тугаши муносабати билан) ходимнинг хоҳишига кўра йиллик асосий ва кўшимча таътиллари бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш (МК 235 моддаси).

**2.1.3.22.** Вояга етмаган фарзандлари бўлган аёллар учун ойлик иш ҳақларини сақлаган ҳолда иш ҳафтасини 1 соатга қисқартириш.

**2.1.3.23.** Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан ортиқ бўлган таътил даврини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига қўшиш (МК 226 моддаси).

**2.1.3.24.** Ҳар йилги меҳнат таътили вақти учун ҳақ тўлаш жамоа шартномасида, ички ҳужжатларда ёхуд меҳнат шартномасида белгиланган муддатларда, бироқ таътил бошлангунига қадар охириги иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади. (МК 233-моддаси)

**2.1.3.25.** Ходимнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сақланмайдиган таътил куйидагиларга мажбурий тартибда берилади:

1941 – 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга – ҳар йили ўн тўрт календарь кунгача;

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга – ҳар йили ўн тўрт календарь кунгача;

икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани ҳақиқатда парваришлайдиган боланинг ота-онасидан бирига (васийига), бувисига, бобосига ёки бошқа қариндошига;

ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ нафар болани ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани тарбиялайдиган ота-онанинг бирига (отанининг ўрнини босувчи шахсга) – ҳар йили ўн тўрт календарь кунгача;

қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ходимларга (МК-242-моддаси)

**2.1.3.26.** Жамоа келишувларида ёхуд жамоа шартномасида ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасида ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш имконияти назарда тутилиши ва бундай таътилнинг календарь йил давомидаги энг кўп давомийлиги белгиланиши мумкин.

Ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш ва унинг давомийлиги тўғрисидаги масала ҳар бир муайян ҳолда меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ҳал этилади. Ходимнинг унга бундай таътил берилишига розилиги иш берувчига ёзма ариза бериш орқали билдирилади.

Жамоа келишувларида ёхуд жамоа шартномасида ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасида иш берувчи ходимнинг илтимосига кўра унга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериши шарт бўлган ҳоллар назарда тутилиши мумкин.

Ходимнинг қисман сақланадиган иш ҳақининг миқдори ва ҳар йилги меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига иш ҳақи қисман сақланадиган таътилни кўшиш ёки қўшмаслик тўғрисидаги масала жамоа келишувларида ёхуд жамоа шартномасида ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасида белгиланади. Бунда ходимнинг сақланиб қоладиган иш ҳақи миқдори қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас. Агар ходим иш ҳақи қисман сақланадиган таътилда бўлган даврида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори оширилган бўлса, ушбу оширилишни ҳисобга олган ҳолда ходимга тегишли иш ҳақи миқдори қайта ҳисоб-китоб қилиниши керак. (МК 240-моддаси)

**2.1.3.26.** Ишни таълим билан бирга олиб борувчи ходимлар, айрим тоифадаги ходимлар ҳамда ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан кучли ҳимоя қилинишга муҳтож шахслар учун имтиёзлар Меҳнат кодексининг 23-25 боби талабларига риоя қилган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланади.

**2.1.3.27.** Меҳнат кодексининг 202-моддасига кўра, ходимни меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод этишнинг дам олиш вақти бўлмаган даврларни жамоа шартномасига киритилади

**2.1.3.28.** Жамоа шартномаларида ходимларга иш куни давомида иш вақтига киритилмайдиган ёки киритилмайдиган бошқа танаффуслар бериш назарда тутилади. (МК 205-моддаси)

**2.1.3.29.** Биринчи иш йили учун ҳар йилги меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқи ходимда у ушбу иш берувчида узлуксиз ишлаган олти ой ўтганидан кейин юзага келади. Ходимга ишлаган олти ой ўтгунга қадар ҳам меҳнат таътил берилиши ҳуқуқи жамоа шартномаларида белгиланиши мумкин. (МК 227 моддаси)

**2.1.3.30.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 229-моддасида назарда тутилган ходимлар тоифаларига қўшимча равишда ходимларга ҳар йилги меҳнат таътилини бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқи жамоа шартномаларда белгиланиши мумкин.

**2.1.3.31.** Касаначининг йиллик меҳнат таътили давомийлиги, йигирма бир календарь кундан этиб белгиланади. (МК 449-моддаси)

**2.1.3.32.** Табiiй ёки техноген хусусиятга эга ҳалокатлар, ишлаб чиқаришдаги авариялар, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, шунингдек ёнғинлар, тошқинлар, зилзилалар, эпидемиялар ёки эпизоотиялар рўй берган тақдирда ҳамда аҳолининг ёхуд унинг бир қисмининг ҳаётига ёки нормал яшаш шароитларига таҳдид соладиган бошқа алоҳида ҳолларда иш берувчининг ташаббуси билан ходимнинг розилигисиз унинг вақтинча масофадан туриб ишлашга ўтишига ёки ўтказилишига йўл қўйилади. (МК 454-моддаси)

Бунда масофадан туриб ишлаш имкони бўлмаган хизматлар ва касбларда ишловчи ходимлар учун иш ҳақи сақланиб қолинади. (МК-266 моддасида кўрсатилган миқдорда)

**2.1.3.33.** Жамоа шартномаларида Меҳнат кодексининг 458-моддаси биринчи қисмида белгиланганлардан ташқари вақтинча масофадан туриб ишлашга ўтиш ёки

ўтказиш учун устувор ҳуқуқ бериладиган ходимлар тоифалари назарда тутилиши мумкин.

**2.1.3.34.** Ходим ўзининг меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган қабул қилинаётган ички ҳужжатлар, иш берувчининг буйруқлари, билдиришномалари, талаблари ва бошқа ҳужжатлари билан ёзма шаклда, шу жумладан имзо қўйдириб таништирилиши керак бўлган ҳолларда, масофадан туриб ишловчи ходим улар билан иш берувчи ва масофадан туриб ишловчи ходим ўртасидаги электрон ҳужжат алмашинуви орқали таништирилиши мумкин. (МК 460-моддаси)

**2.1.3.35.** Агар масофадан туриб ишловчи ходим меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ёки меҳнат шартномасига мувофиқ давомийлиги узоқроқ бўлган ҳар йилги меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга бўлмаса, унинг ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлиги йигирма бир календарь кун этиб белгиланади. (МК 462-моддаси)

**2.1.3.36.** Вахтанинг давомийлиги бир ойдан ошмаслиги лозим. алоҳида ҳолларда айрим объектларда вахтанинг давомийлиги уч ойга қадар узайтирилиши жамоа шартномалари орқали белгиланиши мумкин. (МК 467-моддаси)

#### **2.1.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш**

**2.1.4.1.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 15-боби талабларига риоя қилинишини таъминлаш.

Мазкур келишувининг амал қилиши, вакиллари ушбу келишувни тузган ходимлар ва иш берувчиларга нисбатан татбиқ этилади. Меҳнатга ҳақ тўлашни нархларнинг ўзгаришларидан, инфляция даражасидан, нарх-наво ўзгариши билан иш ҳақи ҳам қайта кўриб чиқилиши мумкин.

**2.1.4.2.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ўз вақтида меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси (ЯТС) разрядларига мувофиқ қайта кўриб чиқиш.

**2.1.4.3.** Тармоқ миқёсида меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалда бўлган ягона тариф сеткаси «1» разряди бўйича ойлик тариф ставкасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ -5723 сонли Фармонида мувофиқ, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан (келгуси ўринларда МҲЭKM) кам бўлмаслигини таъминлаш. (МК 245-моддаси).

**2.1.4.4.** Тармоқ тизимидаги барча корхона ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакли ва тизими, устамалар, мукофотлар, кўшимча ва компенсация тўловларининг аниқ миқдорлари амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилган, касаба уюшма кўмиталари билан келишилган ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади ва жамоа шартномаларида мустаҳкамлаб кўйилади.

Ходимларнинг лавозим окладлари ва тариф ставкалари иш берувчи томонидан корхона касаба уюшма кўмитаси билан келишган ҳолда қабул қилинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тариф сеткасига мувофиқ белгиланади.

Меҳнат муносабатларига оид тармоқ миқёсидаги раҳбарий ҳужжатлар касаба уюшма Республика Кенгаши билан келишилган ҳолда қабул қилинади

**2.1.4.5.** Меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тизими, шакли ва шартларини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг ходимлар аҳволини ноқулай

томонга ўзгартирадиган янги тизими ва шаклини киритиш камида икки ой олдин ходимларнинг албатта розилигини олиш шарти билан ҳамда касаба уюшма кўмитаси билан расман келишилган ҳолда амалга оширилади.

**2.1.4.6.** Иш берувчининг айби билан бекор туриб қолган вақт учун (иқтисодий, технологик, техник ва ташкилий сабабларга кўра ишни вақтинча тўхтаб туриши) ходимнинг ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

Иш берувчига ва ходимга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бекор туриб қолган вақт учун бекор туриб қолган вақт мутаносиб равишда ҳисобланган тариф ставкасининг (маошининг) камида учдан икки қисми миқдорда ҳақ тўланади.

Ходимнинг айби билан бекор туриб қолган вақт учун ҳақ тўланмайди (МК 266-моддаси)

**2.1.4.7.** Иш берувчи Меҳнат кодексининг 253-моддаси талабларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида иш ҳақидан қарздорликка йўл қўймаслик борасида ўз вақтида чоралар кўради.

**2.1.4.8.** Тизимдаги корхоналар раҳбарларига бевосита тармоқ тизимида амалий фаолият билан шуғулланаётган, фахрий унвон ва илмий даражага эга бўлган шахсларга нисбатан белгиланган тартибда қуйидаги кўшимча тўловлар тўлаш ҳуқуқини бериш:

- “Халқ” ва “Хизмат кўрсатган арбоб” фахрий унвонлари эгалари учун Республикада белгиланган МХЭКМнинг 1 баравари, “Хизмат кўрсатган” фахрий унвони сохиблари учун МХЭКМнинг 0,6 баравари миқдорида (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007йил 17 декабрдаги ПФ-3942 сонли Фармони*);

- фан доктори (DSc) ва фан номзоди (фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлганларга ишлаб чиқилган низом асосида тўланади.

**2.1.4.9.** Тармоқ тизимида кадрлар кўнимсизлигига йўл қўймаслик, ходимларнинг ишдан манфаатдорлигини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида уларнинг меҳнат стажларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган тегишли Низомга мувофиқ “Хизмат қилган йиллари учун рағбатлантириш” тўловлари амалга оширилади.

**2.1.4.10.** Иш вақтидан ташқари иш учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади ёки ходимнинг хохишига кўра иш вақтидан ташқари иш учун оширилган ҳақ тўлаш ўрнига иш вақтидан ташқари ишлаб берилган вақтнинг давомийлигига мувофиқ келадиган кўшимча дам олиш вақтини бериш билан компенсация қилинади (МК 262-моддаси).

Дам олиш ва байрам кунларидаги, ишдан ташқари вақтдаги ишлар учун, ушбу иш жадвалига биноан амалга оширилганлигидан ёки ходим ишга жалб этилганлигидан қатъий назар, камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади ёхуд ходимнинг хохишига кўра бошқа дам олиш (отгул) кунини бериш бир ҳисса миқдорида ҳақ тўлаш орқали компенсация қилинади ( МК 263-моддаси).

**2.1.4.11.** Тунги вақтдаги (соат 22-00 дан то 6-00 гача – бу вақт оралиғи қайси нормада бор) ишнинг ҳар бир соати учун бир ярим баробар миқдорда ҳақ тўлаш (МК 264 моддаси).

**2.1.4.12.** Ходим томонидан меҳнат мажбуриятларини ёки бошқа мажбуриятларни бажарилиши билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қоплаб берилади. Меҳнат кодексининг 287, 288 ва 289 моддаларида кўзда тутилган харажатлар ходим



томонидан тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда жамоа шартномаларида белгиланган тартибда ва миқдорларда қопланишини таъминлаш.

**2.1.4.13.** Қишлоқ хўжалик ишларига ўзининг хоҳиши билан жалб қилинган ходимларга ҳақиқий ишлаган кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаш.

**2.1.4.14.** Ходимларга иш ҳақи ҳар ярим ойда бир марта жамоа шартномасида белгилаб қўйилган кунларда тўланади.

**2.1.4.15.** Иш берувчи иш ҳақини, таътил тўловларини, меҳнат шартномаси бекор қилингандаги тўловларни ва (ёки) ходимга тўланиши лозим бўлган бошқа тўловларни тўлаш муддатини бузган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизлар (пулли компенсация) билан бирга тўлаши шарт. (МК 333-моддаси).

**2.1.4.16.** Тармоқ миқёсида ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини (барча тўловлар ва устамаларни инобатга олган ҳолда) ходимга МХЭКМнинг 5 бараваридан кам бўлмаган миқдоргача етказиш.

**2.1.4.17.** Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасида (фондида) асосий қисмининг улуши 50% дан кам бўлмаслигини таъминлаш.

**2.1.4.18.** Меҳнат шaroитлари турлича бўлган ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда тариф ставкаларига нисбатан куйидаги тармоқ коэффицентларининг қўлланишини таъминлаш (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.09.2019 й. 743-сонли қарори билан тасдиқланган «Низом» 2 Илова*):

- бурғилаш ишлари учун – 1,325;

- излаш-тасвираш, геофизика, топография-геодезия ва бошқа геология-қидирув ишлари учун – 1,228.

**2.1.4.19.** Дала шaroитларида геология-қидирув, топография-геодезия, лойиҳа-изланиш ва илмий-тадқиқот ишларини бажарадиган корхоналар ходимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 июлдаги 190-сонли қарори билан тасдиқланган “Дала шaroитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга дала устамаси тўлаш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ дала устамаси тўланишини таъминлаш.

**2.1.4.20.** “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги низом” (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424 сонли*) ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 287-моддасига мувофиқ Тармоқ корхоналарида ходимларнинг хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш миқдорлари жамоа шартномалари ёки иш берувчи томонидан касба уюшма қўмиталари билан келишган ҳолда қабул қилинган ички ҳужжатларда белгилаб қўйилади.

**2.1.4.21.** Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун тўланадиган компенсация тўловлари “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларини Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун маблағ бериш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ (*Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2015 йил 19 ноябрдаги 2730-сонли билан*

*рўйхатдан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2015 йил 19 октябрдаги 92 –сонли буйруғи билан тасдиқланган*) амалга оширилади.

**2.1.4.22.** Ходим давлат ва жамоат мажбуриятларини бажариш вақтида иш жойи (лавозими) ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилади. (МК 282 – моддаси).

**2.1.4.23.** Қуйидаги Низомларга мувофиқ мазкур тўловлар ва тақдирлашларни амалга ошириш:

- Вазирлик марказий аппарати ва унинг тасарруфидаги корхоналарнинг юқори малакали ходимларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом;

- Йилнинг энг яхши бурғиловчиси тўғрисидаги Низом;

- Геофизика, геокимё ва геология соҳаси бўйича йилнинг энг яхши мутахассисини аниқлаш тўғрисидаги Низом;

- Уран ва камёб металллар геологияси бўйича йилнинг энг яхши мутахассисини аниқлаш тўғрисидаги Низом;

- Гидрогеология, муҳандислик геологияси ва геоэкология соҳаси бўйича йилнинг энг яхши мутахассисини аниқлаш тўғрисидаги Низом;

- Рангли ва нодир металллар геологияси бўйича йилнинг энг яхши мутахассисини аниқлаш тўғрисидаги Низом;

- Йилнинг энг яхши корхонасини аниқлаш тўғрисидаги Низом;

- Йилнинг энг яхши тоғ-кончиси тўғрисидаги Низом;

- Йилнинг энг яхши ҳайдовчиси тўғрисидаги Низом;

- Йилнинг энг яхши ёш олимини аниқлаш тўғрисидаги Низом.

**2.1.4.24.** Хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилашни жамоа шартномалари ва келишувлари орқали амалга ошириш. (Бош жамоа келишув 34 банди).

**2.1.4.25.** Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг асосий ва қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни жамоа музокаралари натижасида ўрнатилишини таъминлаш. (Бош жамоа келишувни 35 моддаси)

**2.1.4.26.** Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимидан тарифсиз тизимларига ўтишни тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши билан олдиндан келишиб олиншини ҳамда ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ)ни баҳолашга бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти сайланма органи вакиллари жалб этилишини таъминлаш. (Бош жамоа келишувни 36 банди).

**2.1.4.27.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иктисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисидаги Низом” талабларини;

кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилишини;

**2.1.4.28.** Мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши, мехнатга ҳақ тўлаш тизимлари касаба уюшмаси кўмиталари билан келишувга биноан белгиланиши, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларига йўл қўйилмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатип. (Бош жамоа келишувни 39 банди).

**2.1.4.29.** Иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизлар (пулли компенсация) билан бирга тўланишини давлат ва касаба уюшмалари меҳнат инспекциялари томонидан назоратга олиш. (Бош жамоа келишувни 40 банди).

**2.1.4.30.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабр “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4939-сон Қарори асосида касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат малака даражасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланиши устидан тизимли жамоатчилик назорати ўрнатилиши (Бош жамоа келишувни 40 банди).

**2.1.4.31.** Илғор халқаро тажриба асосида меҳнатни меъёрлаштириш ва унга ҳақ тўлаш соҳасида меҳнат нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш. (Бош жамоа келишувни 42 банди).

**2.1.4.32.** Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатилган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

**2.1.4.33.** Меҳнат кодексининг 281-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган кафолатли қўшимча тўловлардан ташқари иш берувчи ходимларга ушбу Кодексда, қонунчиликда, жамоа келишувларида, жамоа шартномасида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган ички ҳужжатларда, меҳнат шартномасида белгиланган бошқа кафолатли қўшимча тўловларни амалга ошириши шарт.

**2.1.4.34.** Иш берувчи ходимни меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этишнинг барча ҳолларида у олмаган иш ҳақининг ўрнини унга қоплаши шарт. (МК 320-моддаси)

**2.1.4.35.** Агар қайта тайёрлаш ёки малака ошириш ихтиёрий равишда амалга оширилса, иш берувчи қайта тайёрлаш ёки малака ошириш вақтида ходимнинг иш жойини (лавозимини) сақлаб қолади. Ходимнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш масаласи жамоа шартномасида, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган ички ҳужжатда ёхуд меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ҳал қилинади. (МК 370-моддаси)

**2.1.4.36.** Умумий ўрта таълим ёки махсус, касб-ҳунар таълимини олганидан кейин ишга кираётган ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун, шунингдек ишлаб чиқариш таълими шартномаси бўйича таълим олган ходимлар учун жамоа шартномасига мувофиқ пасайтирилган ишлаб чиқариш нормалари белгиланиши мумкин. (МК 419-моддаси)

## 2.1.5. Меҳнатни муҳофаза қилиш

### 2.1.5.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида:

а) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини, саноат хавфсизлиги, давлат ва тармоқ стандартлари ҳамда меъёрларининг бажарилишини таъминлаш. Саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимини мамлакат ва хориждаги энг илғор тажрибалар асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил қилиш, ҳужжатларни давлатлараро стандарт ГОСТ 12.0.230-2007 талабларига мувофиқ расмийлаштириш;

б) ишлаб чиқариш фаолиятини қонунчилик ва саноат хавфсизлиги, меҳнат муҳофазасига оид Вазирлик томонидан қабул қилинган талаблар, амалий ва режалаштирилган фаолиятда, ишлаб чиқарилаётган ва кўрсатилаётган хизматларда юқори даражадаги саноат хатарларини инобатга олган ҳолда режалаштириш ва амалга ошириш;

в) авария ҳолатларининг олдини олиш бўйича амалий ва барча мавжуд чоратадбирларни бажариш, улар содир бўлган ҳолатда эса – ходимлар саломатлиги, мол-мулкка таъсир оқибатларини юмшатиш чораларини кўриш;

г) зарурат туғилганда **Вазирликнинг** саноат хавфсизлиги, меҳнат муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатини қайта кўриб чиқиш, тузатишлар киритиш ва такомиллаштириш;

д) **Вазирликнинг** саноат хавфсизлиги, меҳнат муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатидаги ўзгаришларни барча ходимларга, меҳнат жамоасига, ҳокимиятнинг ижро органларига, назорат органларига, шериклар ва бошқа манфаатдор томонларга етказиш;

е) меҳнат жамоаси олдида меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси соҳасидаги фаолият бўйича ҳисоботлар бериб бориш;

ж) барча ходимлардан хавфсизлик техникаси, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ишларни амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширишни талаб қилиш.

**2.1.5.2. Вазирликнинг** “Ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олиш, касбий хавфсизлик даражасини ошириш бўйича тармоқ дастури”ни ишлаб чиқиш ва дастурда белгиланган тадбирларни тўла ҳажмда ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш.

### 2.1.5.3. Қуйидагиларнинг амалга оширилишини таъминлаш:

а) ҳар бир корхонада меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларининг ишлаб чиқилишини таъминлаш ҳамда мазкур тадбирларнинг бажарилиши учун ўз вақтида маблағлар ажратилишини назорат қилиш;

б) тасарруфдаги корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва саноат хавфсизлиги талабларини белгиловчи меъёрий-техник ҳужжатлар, тегишли услубий ва ташкилий ҳужжатларнинг мавжудлигини;

в) иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича шартномалар тузилишини (*Ўзбекистон Республикасининг “Иш*

*берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 24.06.2009 й. 177-сонли қарори);*

г) меҳнатни муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлиги бўйича ишчиларни тегишли меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартибда тайёрлаш ва аттестациядан ўтказилишини;

д) тармоқ тизимидаги ҳар бир корхонада меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун зарур бўлган ва жамоа шартномалари орқали белгиланадиган маблағларнинг ажратилишини (ишлаб чиқаришга сарфланадиган умумий харажатларнинг камида 2% миқдориди);

е) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг қоладиган корхона фойдаси ҳисобидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари ва қонунчиликка мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан меҳнат муҳофазаси жамғармасининг яратилишини (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.11.2008й. 245-сонли қарори*).

ё) Ҳар бир иш ўрнида меҳнат шaroитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши;

ж) Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни қўллаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаши;

з) Иш ўринларида меҳнат шaroитларининг ҳолати, айниқса зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назоратни амалга ошириши;

и) Меҳнат шaroитлари тўғрисида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликлар хавфи мавжудлиги, муайян иш ўринларида ва ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати ҳақида, шунингдек шу муносабат билан ходимларга берилиши лозим бўлган имтиёзлар ва компенсациялар, шахсий ҳимоя воситалари тўғрисида ходимларни ўз вақтида хабардор қилиши;

к) Қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини ташкил этиши;

л) ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар олишини, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан, қайта тайёргарликдан ўтишини, малака оширишини ва билимлари текширилишини таъминлаши;

м) Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажариши ҳамда қасаба уюшмаларининг ва ходимлар бошқа вакиллик органларининг тақдимномаларини кўриб чиқиши;

\* тасарруфдаги корхоналарда ва унинг таркибий тузилмасида уч босқичли меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан маъмурий-жамоатчилик назорати олиб боришини таъминлаш (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 273-сон билан рўйхатдан ўтган Низом асосида*);

**2.1.5.4.** Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисаларда касбий касалланиш ёки ходимнинг соғлигига шикаст етказилганда иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақалар ҳамда зарарларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.02.2005 йилдаги 60-сонли “Ходимларга уларнинг меҳнат

вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари»да белгиланган миқдорларда ва тартибда тўлаш.

**2.1.5.5.** Хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда шикастланиш, касбий касалланиш ёки саломатлигига бошқа зарар етиши сабабли ходим вафот этганда унинг оиласига олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла нафақа тўлаш.

**2.1.5.6.** Геология қидирув ишлари билан машғул бўлган ходимларни ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатларнинг шундай мақсадлар учун белгиланган харажат моддалари ҳисобидан мажбурий-шахсий давлат суғуртасидан ўтказиш (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.07.94й. №365-сонли қарори*).

**2.1.5.7.** Тармоқ ходимларини меъёрий ҳужжатларда ҳамда жамоа шартномаларида кўзда тутилган қўйидаги кафолатлар билан таъминлаш:

- касблар ва лавозимлар рўйхатига мувофиқ махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини бепул бериш;

- санитария-маиший хоналарни талаб даражасида сақлаш;

- иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аниқлаш мақсадида иш жойларини камида 5 йилда бир марта, зарурат туғилганда эса муддатидан олдин аттестациядан ўтказиш;

- иш юзасидан ювенил тақозо этиладиган ишларда – белгиланган нормаларда бепул совун бериш;

- “Сут истеъмол қилиш тавсия қилинадиган ишлар рўйхати”га асосан бепул сут ёки унга тенглаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари бериш.

**2.1.5.8.** Касаба уюшма Республика Кенгаши билан биргаликда қўйидагиларни амалга ошириш:

қўйидагиларни амалга ошириш:

- жойларда юз берган бахтсиз ҳодиса ва аварияларни амалдаги Низомга мувофиқ текширилишида вакилларнинг иштирок этишини таъминлаш;

- ходимларнинг меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ўқитилишини ҳамда уларнинг шу масалалар бўйича йўриқномалар, қоидалар ва нормаларга оид билимлари текширилишини ташкил қилиш;

- меҳнат муҳофазасига оид меъёрий-техник ҳужжатларнинг қайта кўриб чиқилишини ташкил қилиш, корхона ва ташкилотларни мазкур ҳужжатлар билан таъминлаш ҳамда жойларда уларга риоя қилинишини назорат қилиб бориш;

- меҳнат муҳофазаси бўйича корхоналардаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни кенг жорий қилиш;

- “меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови” ўтказиб бориш ва ҳар йил якуни бўйича унинг якунларини кўриб чиқиш;

- ҳар бир корхонада меҳнат муҳофазаси бўйича битим тузилиши ва унинг ижросини таъминлаш.

- Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ягона бошқарув тизими (ЕСУОТ)ни тармоқ касаба уюшма Республика Кенгаши билан келишган ҳолда ишлаб чиқиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ва қонун ости ҳужжатларига ўзгартириш киритилганда, тегишли қўшимчалар киритиб бориш.

**2.1.5.9.** Меҳнат кодексининг 214 – моддаси талабларига риоя қилган ҳолда ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминлаш (*“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун 24-модда*).

**2.1.5.10.** Регресс даъволари бўйича зарарларни қоплаш тўловларини ўз вақтида ҳисоблаш ва амалга ошириш.

**2.1.5.11.** Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини ўз вақтида кузги-кишки мавсумга тайёрлаш чораларини кўриш.

**2.1.5.12.** Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакилларни белгиланган муддатларда ўқитиш, фаолиятига кўмаклашиш, фаол вакилларни рағбатлантириш.

**2.1.5.13.** Касаба уюшма ташкилотининг сайланма органига меҳнат муҳофазаси бўйича тузилган битимнинг бажарилиши тўғрисида ахборотлар бериш.

**2.1.5.14.** меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

## **2.1.6. Ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар**

**2.1.6.1.** Жамоа шартномаларида қуйидагиларга Меҳнат кодексига назарда тутилган барча тегишли имтиёзлар кафолатланади:

- қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;
- оиласида мустақил иш ҳақи олувчи бошқа ходимлар мавжуд бўлмаган шахсларга;
- мазкур иш берувчидаги узоқ муддатли иш стажига эга бўлган ходимларга;
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларида меҳнат шартномасига кўра тегишли мутахассислик бўйича ўз малакасини ошираётган ходимларга ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларини тамомлаган шахсларга ўқишни тамомлаганидан кейин мутахассислиги бўйича ишлаш шarti билан уч йил мобайнида;
- ушбу ташкилотда меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига учраган шахсларга;
- ногиронлиги бўлган шахсларга;
- 1941-1945 йиллардаги уруш катнашчиларига ва имтиёзлар бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;
- меҳнатдаги ютуқлари учун рағбатлантиришларга эга бўлган ва интизомий жазоларга эга бўлмаган ходимларга;
- атом объектларидаги авариялар оқибатида келиб чиққан юқори радиациявий нурланиш билан боғлиқ бўлган нурланиш касаллигига ва бошқа касалликларга йўлиққан ёки шундай касалликларни бошидан кечирган шахсларга; ўзига нисбатан бошланган ногиронлигининг атом объектларидаги авариялар билан боғлиқлиги

аниқланган ногиронлиги бўлган шахсларга; ушбу авариялар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш иштирокчиларига, шунингдек мазкур объектлардан эвакуация қилинган ёки кўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.

**2.1.6.2.** Ходим ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига эга, бироқ талаб этиладиган ёшга етишига 2 йил ва ундан кам муддат қолганида, у билан меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан Меҳнат кодексининг 161-моддаси иккинчи қисми 2 банди, 168-моддаси биринчи қисми 5 ва 9-бандларига мувофиқ бекор қилинган тақдирда, ходимга Меҳнат кодексига ҳамда жамоа шартномалари ва бошқа ички ҳужжатларда ёшга доир пенсия олувчи ходимлар билан меҳнат шартномаларини бекор қилинаётганда бериладиган барча тўловлар ва имтиёзлар берилиши кафолатланади.

**2.1.6.3.** Қўйидаги ҳолларда ходимларга бир йўла моддий ёрдам бериш:

- ходимнинг биринчи никоҳ тўйида Ўзбекистон Республикасида белгиланган МҲЭКМнинг камида 10 (ўн) баравари миқдоригача;

- меҳнат таътилига чиқишда бир лавозим оклади миқдорида (ЯТС бўйича);

- Геологлар куни, Янги йил, Наврўз, Халқаро хотин-қизлар байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайит, Мустақиллик куни, Устоз ва мурабийлар куни ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун байрамлари муносабати билан Ўзбекистон Республикасида белгиланган МҲЭКМнинг 5 (беш баравари)гача миқдорда;

- ишлаётган уруш ва меҳнат фахрийларига “Хотира ва кадрлаш куни” муносабати билан Ўзбекистон Республикасида белгиланган МҲЭКМнинг 2 (икки баравари)гача миқдорда;

- тармоқ тизимида 10 йилдан ортиқ ишлаб Вазирлик тизимидаги корхоналаридан пенсияга чиққан, ҳозирги пайтда ишламаётган меҳнат фахрийларига, Ўзбекистон Республикаси Фахрий унвонларига эга бўлганларга, фойдали қазилма конларини биринчи очувчиларига дала ишлари мавсуми бошланиши арафасида Ўзбекистон Республикасида белгиланган МҲЭКМнинг 1,5 бараваригача миқдорда;

- юбилей ёшига етган (50, 60 ва 70 ёш) ходимларга охириги йилдаги бир ойлик иш ҳақи миқдорида.

**2.1.6.4.** Ходим ва унинг оиласига қуйидаги ҳолатларда бир йўла моддий ёрдам бериш ва дафн маросимлари учун корхона ҳисобидан транспорт хизматини кўрсатиш:

- ходим вафот этганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган МҲЭКМнинг 10 бараваригача миқдорда;

- ходимнинг яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари), вафот этганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган МҲЭКМнинг 5 бараваригача миқдорда;

- тизимда камида 10 йил ишлаб пенсияга чиққан пенсионер вафот этганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган МҲЭКМнинг 3 бараваригача миқдорда;

**2.1.6.5.** Ходим ёки унинг қарамоғидаги оила аъзоси вафот этганда корхона ҳисобидан Республикада белгиланган нафақага нисбатан БҲМнинг камида 4



баравари миқдорида дафн этиш нафақаси тўлаш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 июндаги 174-сонли қарори билан тасдиқланган “Дафн этишга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом”га асосан), шунингдек ходим ва унинг яқин қариндошлари вафот этганда дафн маросимлари учун корхона ҳисобидан транспорт хизматини кўрсатиш (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги ПФ-5894- сонли Фармони*).

**2.1.6.6.** Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун мактабгача тарбия муассасаларига сарфлайдиган харажатларини қисман қоплаш

**2.1.6.7.** Тармоқ тизимидаги корхоналар ходимларининг фарзандларини геология мутахассисликлари бўйича контракт асосида Олий ва ўрта-маҳсус ўқув юртларида ўқиш харажатларини қоплаш.

**2.1.6.8.** Кам таъминланган оилалар учун янги ўқув йили арафасида харид қилинадиган ўқув қуроллари ва формалар қийматини корхоналар молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қоплаш.

**2.1.6.9.** Ходимлар учун қуйидаги харажатларни қисман қоплаш:

- овқатланиш харажатларини;
- қишки мавсумга харид қиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қийматини;
- ходимларнинг ишга келиб-кетиши учун транспорт харажатларини.

Харажатларни қоплаш миқдори корхоналарнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланади.

**2.1.6.10.** Маъмурият ва касаба уюшмасининг қўшма қарорига асосан ходимлар учун жарроҳлик операцияларининг қийматини ва қисман стационар даволаниш харажатларини қоплаш (*Ўзбекистон Республикасида белгиланган МҲЭКМнинг 3 (уч) бараваригача миқдорида*).

**2.1.6.11.** Уруш ва меҳнат ногиронлари, байналминалчи жангчилар, Чернобил АЭС авариясини тугатишда қатнашганлар ва сурункали бемор ходимлар учун корхона маъмурияти ва касаба уюшмасининг қўшма қарорига асосан санаторий-курортларига бориб келиш йўлқира харажатларининг яримини қоплаш.

**2.1.6.12.** Меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъий назар (*бундан Меҳнат кодексининг 161-моддасини иккинчи қисмидаги 4 ва 5- бандларида ҳамда 168-моддасини 3 ва 8- бандларида кўзда тутилган асослар мустасно*) ходим пенсияга чиқиши муносабати билан ишдан кетаётганда унга тармоқ тизимида ишлаган ҳар бир йили учун пенсияга чиқаётган пайтдаги тариф ставкасининг 10%дан 20% миқдorigача бир йўла нафақа тўлаш (*10 ойдан ортиқ давр бир йил деб ҳисобланади*).

**2.1.6.13.** Ходимлар сони ёки штатлар қисқартирилиши муносабати билан тармоқ корхоналарида меҳнат шартномаси бекор қилинган ва белгиланган тартибда ишсиз деб тан олинган ходимларга уларнинг ишсизлик даврида, лекин меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин икки йилгача тармоқ тизимидаги даволаш ва соғломлаштириш муассасаларидан ҳамда имкониятларини сақлаб қолиш.

**2.1.6.14.** Корхона тугатилиши, ходимлар сони ёки штатлар қисқартирилиши муносабати билан тармоқ корхоналарида меҳнат шартномаси бекор қилинган, қарамоғида 2 ва ундан ортиқ киши бўлган ёки оиласида мустақил иш хақи оладиган

кишилар бўлмаган ходимларга бир йўла моддий ёрдам бериш. Моддий ёрдам миқдори жамоа шартномаларида белгиланади.

**2.1.6.15.** Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда бир ой ва ундан ортиқ муддатга малака ошириш ва касбий тайёргарлик курсларига юборилаётган ходимларга бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам бериш.

**2.1.6.16.** Санаторий-профилакторийларга, дам олиш зоналарига ва болалар оромгоҳларига йўлланмалар харид қилиш учун Вазирликда белгиланган тартибда маблағ ажратиш.

**2.1.6.17.** Оғир хасталикка чалинган тармоқ тизимида 20 йилдан ортиқ меҳнат қилган ёлғиз пенсионерларнинг стационар даволаниш харажатларини корхона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси томонидан аниқланадиган миқдорларда қоплаш. *(Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги ЎРҚ – 415-сонли «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги Қонуни, 11-модда).*

**2.1.6.18.** Тармоқ тизимида камида 20 йил ишлаб тармоқ корхоналаридан пенсияга чиққан, ишламаётган пенсионерларга йўлланма қийматини қисман тўлаш шarti билан корхона имкониятларидан келиб чиққан ҳолда имтиёзли йўлланмалар ажратиш. Бунда йўлланма қийматининг қисман тўланадиган миқдори касаба уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда корхона маъмурияти томонидан белгиланади.

**2.1.6.19.** Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақалари бўйича қуйидаги миқдорларда нафақа тўлаш:

- иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, байналминал-жангчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар, қарамоғида 16 ёшга етмаган (18 ёшгача ўқувчилар) уч ва ундан ортиқ фарзанди бўлган шахслар, Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этганлар ва шу ҳалокат натижасида радиоактив зарарланган зоналардан эвакуация қилинганлар ва кўчирилганлар, оғир касалликларга (ўткир лейкоз, аденома, саратон) дучор бўлганлар, ҳарбий хизматни ядровий полигонлар ва бошқа радиоактив-ядровий объектларда ўтаган пенсия ёшидаги ногирон-ходимларга, шунингдек меҳнат жароҳати ва касбий касаллик оқибатида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўлган ходимларга – тўлиқ иш ҳақи миқдорида;

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича рўйхатда турган ходимларга умумий иш стажига боғлиқ ҳолда – иш ҳақининг 60%дан 100%гача;

- бошқа ҳолатларда умумий иш стажига боғлиқ ҳолда – иш ҳақининг 60%дан 80%гача.

**2.1.6.20.** Жамоа шартномасининг амал қилиш муддати даврида объектив сабабларга кўра зарурият юзага келган ҳолларда иш берувчи билан ходимларнинг вакиллик органи корхона ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг йил якуни бўйича натижаларини, молиявий-иқтисодий имкониятларни инобатга олган ҳолда жамоа шартномасига киритилган ижтимоий имтиёزلарни ўрнатилган тартибда ва меҳнат жамоаси конференциясининг қарорига асосан қайта кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

**2.1.6.21.** Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш Стратегиясида қўйилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш. (Бош жамоа келишув 73 модда)

**2.1.6.22.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2705-сонли Қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш (Бош келишув 74 модда)

**2.1.6.23.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”ни амалга оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш. (Бош жамоа келишув 75 модда)

**2.1.6.24.** Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган оилаларга, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб бориш. (Бош жамоа келишув 77 модда)

### **2.1.7. Ижтимоий шериклик. Касаба уюшмаси фаолиятининг кафолатларига риоя этилиши**

**2.1.7.1.** Вазирлик касаба уюшмаси Республика Кенгашини тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифодаловчи ягона вакили деб тан олади ва қўйидагиларни кафолатлайди.

**2.1.7.2.** Корхоналар касаба уюшма кўмиталари ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунда (06.12.2019 й ЎРҚ 588-сон 18-модда) белгиланган иш берувчи мажбуриятларини бажаришни таъминлайди.

**2.1.7.3.** Асосий ишидан озод қилинмаган касаба уюшма сайланма органлари аъзоларига жамоат ишларини бажариш учун ўртача иш ҳақларини сақлаган ҳолда касаба уюшмаларига оид мажбуриятларни бажариш вақти иш ҳафтаси соатлари сонининг 30 фоизидан кам бўлмаслиги таъминланади (*Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунининг 18 моддаси*).

**2.1.7.4.** Касаба уюшма органлари штатидаги ходимларга (асосий ишидан озод қилинган касаба уюшмаси кўмитаси раиси ва кўмита ходимлари) моддий рағбатлантириш, хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун мукофотлар, рағбатлантириш, сувсизлик ва район коэффиценти ҳамда бошқа қўшимча тўловларни корхона маблағлари ҳисобидан тегишли раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларга тўланадиган миқдорларда тўлаш.

**2.1.7.5.** *Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунининг 16 моддасига мувофиқ* Касаба уюшма органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганликлари туфайли ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилган ходимларга уларнинг сайлов ваколатлари тугагандан сўнг аввалги ўз иш (лавозими) берилади мавжуд бўлмаган тақдирда ёки шунга тенг келадиган бошқа иш (лавозим) берилади, бундай иш (лавозим) бўлмаган тақдирда эса аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

**2.1.7.6.** Қўйидаги мақсадлар учун корхона ва ташкилотлар касаба уюшма кўмиталари ҳисобига ҳар ойда корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 1% миқдорда маблағлар ўтказилишини таъминлаш:

- оммавий-маданий, жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш ва ривожлантириш учун;

- тармоқ ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш учун;

- уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали ва кам таъминланган оилалар ҳамда даволанишга мухтож ходимларни зарурат туғилганда керакли санаторий-курорт йўлланмалари билан таъминлаш учун;

(Бунда ўтказиладиган маблағларнинг юқоридаги мақсадлар учун тақсимланиш миқдорлари жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади).

**2.1.7.7.** Касаба уюшма кўмиталари раислари ва ходимларининг иш ҳақлари учун касаба уюшмаси бюджетидан сарфланадиган маблағлар етишмаганда уларнинг иш ҳақлари учун тўланадиган маблағларнинг етишмаётган қисмини корхона ва ташкилотлар ҳисобидан қоплаш.

**2.1.7.8.** Касаба уюшмаси органларига сайланган асосий ишидан озод қилинмаган ходимларни уларнинг сайлов ваколатлари тугагандан сўнг 2 йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига (корхона тугатилиши ёки ходим томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишдан бўшатилишига асос бўлувчи хатти-ҳаракатлар бундан мустасно) йўл қўймаслик. Улар билан иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш ва интизомий жазо чораларини қўллаш амалларини Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни (17 моддаси) ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Корхоналарда меҳнаткашлар вакиллари ва уларга бериладиган ҳуқуқлар тўғрисида»ги 135-Конвенциясида назарда тутилган чекловларга риоя қилинган ҳолда амалга ошириш.

**2.1.7.9.** Касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича ваколатли вакиллари этиб сайланган ходимлар ва меҳнат низолари комиссияси аъзолари меҳнат жамоасининг вакиллик органи аъзоларига тенглаштирилади ва уларга мазкур келишувда белгиланган ҳуқуқ, кафолат ва имтиёзлар татбиқ этилади.

**2.1.7.10.** Вазирлик тизимида фаолият юритаётган ва касаба уюшма ташкилоти тузилмаган ҳамда янги ташкил этилаётган хўжалик субъектларида касаба уюшма ташкилотини тузишда ўз ваколати доирасида касаба уюшмаси Республика Кенгашига амалий ёрдам кўрсатади.

**2.1.7.11.** Санаторий-профилакторийлар, тиббий муассасалар, болалар оромгоҳлари, дам олиш уйлари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини сотиш, фаолиятларини ўзгартириш ёки бошқаларга бериш масалаларини касаба уюшма ташкилоти сайланма органининг фикрини инобатга олган ҳолда ҳал қилиш.

**2.1.7.12.** Ходимларнинг розилиги билан корхона бухгалтерияси орқали ихтиёрий касаба уюшма аъзолик бадалларини нақд пулсиз йиғиш тизими ташкил қилинишини ҳамда йиғилган аъзолик бадалларини касаба уюшма кўмитасининг тегишли ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлаш.

**2.1.7.13.** Корхона ҳисоб рақамида маблағ етарли бўлмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 15 мартда 2342-рақам билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб варақаларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома»га мувофиқ касаба уюшма аъзолик бадаллари ижро тўлов ҳужжатлари бўйича пропорция асосида ҳисобдан чиқариладиган маблағлар қаторига киритилади.

**2.1.7.14.** Вазирлик тизимидаги корхона ва ташкилотлардаги коллегиял органлар (хайъат, бошқарув, доимий комиссия ва бошқалар) таркибига касаба уюшмалари ташкилотларининг тегишли вакиллари киритилишида ва уларнинг йиғилишларида иштирокини таъминлашда тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашига кўмаклашиш.

**2.1.7.15.** Касаба уюшмаларига уларнинг муассислигидаги босма нашрларга обунани ташкил этишда кўмак беради.

**2.1.7.16.** Касаба уюшмаси Республика Кенгашига хўжалик жихозлари ва бошқа инвентарларни сақлаш учун имтиёзли равишда (*ер солиғи Республика Кенгаши томонидан тўланиши шартли билан*) тегишли хона ажратиш.

## **2.2. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши мажбуриятлари**

**2.2.1.** Ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга меҳнат жамоаларини сафарбар қилишда ўз ваколатлари доирасида хўжалик органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш ва уларга кўмаклашиш.

**2.2.2.** Тармоқ тасарруфидаги касаба уюшмалари фаолиятида соҳа ходимлари ва фарзандлари учун санаторийлар, болалар оромгоҳларига ижтимоий солиқ тўловлари ва касаба уюшмаси аъзолик бадаллари маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган йўлланмаларни белгиланган тартибда ажратилишини назорат қилиш.

**2.2.3.** Санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш масканларига ижтимоий солиқ тўловлари ва касаба уюшмаси аъзолик бадаллари маблағлари ҳисобидан бериладиган йўлланмаларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати томонидан тасдиқланган йўриқномага риоя қилинган ҳолда тақсимланишини таъминлаш.

**2.2.4.** Корхона ва ташкилотлар касаба уюшма кўмиталарига касаба уюшма бюджети маблағларидан оқилона (рационал) фойдаланишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатади.

**2.2.5.** Корхоналар касаба уюшма кўмиталари томонидан касаба уюшма бюджетининг белгиланган мақсадлар бўйича сарфланишида амалий ёрдам кўрсатади ва унинг бажарилишини назорат қилади.

**2.2.6.** Меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш вақтлари бўйича тармоқ миқёсида меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади.

**2.2.7.** Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 12.02.2021 й. 05-1288-сон қарори билан тасдиқланган (O'z DSt 3513:2021 Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти) “Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори (ХАЛИКК-2020)” асосида тармоқ тариф-малака маълумотномалари лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий қилишда, шунингдек уларнинг меҳнатини меъёрлаштириш масалаларида иштирок этади.

**2.2.8.** Янги объектларни эксперт комиссиялари томонидан қабул қилиш, шунингдек, бахтсиз ҳодисаларни текшириш ишларида иштирок этиш учун ўз вакилларини жўнатади.

**2.2.9.** Меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси бўйича қондалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда иштирок этади.

**2.2.10.** Иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилиги ва меҳнат ҳуқуқига оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинишини, шунингдек мазкур келишувдаги мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш.

**2.2.11.** Ижтимоий-меҳнат қафолатлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини таъминлаш, иш вақти режими ва дам олиш вақти, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ходимларни саломатлигини сақлаш масалалари бўйича иш берувчилар билан музокаралар олиб бориш ва ўз вақтида таклифлар киритиш.

**2.2.12.** Қуйидагиларда иштирок этиш:

- меҳнат муҳофазаси бўйича касаба уюшма фаолларининг ўқишлари, семинарлари ва кенгашларини ўтказишда;

- меҳнат муҳофазаси ҳолати бўйича ўтказиладиган комплекс текширувларда;

- ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича билимларини текширувчи комиссия ишида.

**2.2.13.** Корхоналарда хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларига риоя қилиниши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси ишларини яхшилашга қаратилган таклифлар тайёрлаш.

**2.2.14.** Корхоналар касаба уюшма қўмиталарига меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишда, меҳнат муҳофазаси комиссиялари аъзолари ва жамоатчи вакилларни ўқитишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш.

**2.2.15.** Иш ҳақидан қарздорлик юзага келганда “Иш ҳақини ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича касаба уюшмаларининг ҳаракат тартиби”да кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш.

**2.2.16.** Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаб биринчи бор ишга қираётган ёшларни ишга қабул қилишда дастлабки синов белгиланмаслиги ва уларни ишдан бўшатишда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиниши шартлиги устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

**2.2.17.** Мулкдор ёки унинг манфаатини ифодаловчи орган олдида меҳнат қонунчилигини бузаётган ва мазкур келишувдаги мажбуриятларни бажармаётган иш берувчилар билан тузилган контрактни бекор қилиш таклифини киритиш.

**2.2.18.** Корхоналарда меҳнат ва технологик интизом мустаҳкамланишига, ички меҳнат тартибига риоя қилинишига ва меҳнат унумдорлигини оширишга кўмаклашиш.

**2.2.19.** Ёлланма ишчилар онгида корхоналар мулкани сақлаш, моддий бойликлар ва ишлаб-чиқариш ресурсларини тежаш тушунчаларини шакллантириш ишларини амалга ошириш.

**2.2.20.** Спортнинг ўйин турлари бўйича тармоқ миқёсида мусобақалар, спартакиадалар ташкил қилиш ва ўтказиш, тармоқ терма жамоаларининг республика мусобақаларида ва биринчилигида иштирок этишини таъминлаш.

**2.2.21.** Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси

масалалари бўйича касаба уюшма фаолларининг малакасини ошириш, ўқув семинарлари ва курслари ташкил қилиш, ўтказиш.

**2.2.22.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли Фармони билан тасдиқланган

2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси” дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу келишув имкониятларидан кенг фойдаланиш.

**2.2.23.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Курултойи қарорларидан келиб чиққан ҳолда иш берувчилар биргаликда қуйидагиларни амалга ошириш:

- бир хил қийматдаги меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

- ижтимоий йўналтирилган Дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш;

- иш берувчилар томонидан иш ҳақининг кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши устидан жамоат назоратини ўрнатиш;

- касаначилар, вақтинчалик мавсумий ходимлар, шунингдек ходимларнинг бошқа ижтимоий нозоратчилик манфаатларини ҳимоя қилиш;

- корхона банкротга учраши ёки қайта ташкил этилиши натижасида бўшаб қолган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

**2.2.24.** Тасарруфдаги корхона ва ташкилотларда “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги янги қонун мазмун-моҳияти ва тарғиботи бўйича касаба уюшма фаоллари ва ходимлари учун ўқув-семинарлар ташкил қилиш.

**2.2.25.** Тармоқ корхоналари жамоа шартномаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш.

### **III Бўлим. Тарафларнинг биргаликдаги мажбуриятлари**

**3.1.** Мамлакат миқёсида ҳар йили қабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш.

**3.2.** Ижтимоий меҳнат муносабатларини жамоа-шартномавий тартибга солиш ва меҳнат соҳасидаги ўзаро муносабатларни ижтимоий шериклик тамойили асосида ривожлантириш, ўзаро манфаатларни ва тенг ҳуқуқлилиқни ҳурмат қилиш, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат ҳуқуқига оид бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш.

**3.3.** Ходимлар ва ишламаётган пенсионерлар учун меҳнат қонунчилиги ва меҳнат ҳуқуқига оид бошқа меъёрий ҳужжатларда ҳамда мазкур келишувда белгиланган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларнинг бажарилишини таъминлаш.

**3.4.** Маънавий-маърифий ва маданий-оқартув ишларини ривожлантириш, турли тадбирлар ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва уларни амалга ошириш, ҳамкорликда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масалаларини мувофиқлаштириб бориш.

**3.5.** Қуйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорликда чоралар кўриш:

- ходимлар ва уларни оилаларининг турмуш даражасини ошириш;
- хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратиш;
- меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш;
- касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштирилишини ва иш жойларида қўнимлилигини алоҳида назоратга олиш.

**3.6.** Корхоналар, бўлинмалар ва касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари ҳамда иш берувчилар учун халқаро ва миллий меҳнат стандартлари, меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат муносабатларига оид масалаларни тартибга солиш мавзулари бўйича ўқув-семинарлар ташкил қилиш.

**3.7.** Ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиш, кам таъминланган болали аёлларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб қувватлашнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чоралари амалга оширилишини таъминлаш.

**3.8.** Ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида жойларда мақсадли тадбирлар ўтказиш, умумхалқ ҳашарларида фаол иштирок этиш.

**3.9.** Кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобиль АЭСдаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор ходимларни ҳар йили касаба уюшмалари санаторийларида корхона ҳисобидан бепул соғломлаштирилишини жамоа шартномаларида кўзда тутиш. (*Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги ЎРҚ – 415-сонли «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги Қонуни, 11-модда*).

**3.10.** Тармоқ тизимида узоқ йиллар ишлаб (камида 10 йил) тармоқ корхоналаридан пенсияга чиққан ишламаётган пенсионерларни, меҳнат фахрийлари, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларни ҳар йили расмий байрам арафаларида ҳолидан хабар олиш, моддий ва ижтимоий қўмаклашиш, туғилган кунларида табриклаш, корхона жамоаси ҳаётида иштирокини таъминлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш. (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон фахрийларни қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 4906 сонли Фармони, 10-банд*)

**3.11.** Корхоналарда жамоа шартномаларининг тегишли йилни март ойидан кечиктирмай тузилишини ва унинг ўтган йил якуни бўйича бажарилишини меҳнат жамоаси умумий йиғилишларида тегишли йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай муҳокама қилинишини таъминлаш.

**3.12.** Корхоналар жамоа шартномаларининг касаба уюшма Республика кенгаши ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланган “Жамоа шартномаларининг тармоқ макети”га мувофиқлигини таъминлаш.

**3.13.** Долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни муҳокама қилиш учун тармоқ касаба уюшма фаоллари ва иш берувчилар вакиллари билан давра суҳбатларини ташкил этиш.



**3.14.** Ходимларни санаторийлар ва санаторий-профилакторийларда соғломлаштириш учун иш берувчи томонидан кўшимча равишда зарур бўлган маблағлар ажратиш. Маблағларни ажратиш тартиби ва миқдори жамоа шартномалари орқали белгиланади.

**3.15.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини (ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари) соғломлаштириш учун йўлланмалар тармоқ тизимидаги корхоналар бошланғич касаба уюшма кўмиталари томонидан бериладиган буюртмалар асосида, улар томонидан тўланган ижтимоий солиқ тўловлари ва касаба уюшмасига аъзолик бадалларидан тушган маблағлар миқдорига мувофиқ равишда берилади.

**3.16.** Корхоналарга касаба уюшма аъзоси бўлмаган янги ходимларни ишга қабул қилишда уларга касаба уюшмасига аъзо бўлишликни таклиф этиш, аъзолик афзалликларини асослаш ва корхонанинг ички меъёрий ҳужжатлари билан таништирув суҳбатини ўтказиш.

**3.17.** Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик.

**3.18.** Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўлланилиши юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликларни ҳал этиш мақсадида икки томонлама тенглик асосида “Меҳнат низолари бўйича комиссия”ни тузиш.

**3.19.** “Меҳнат низолари бўйича комиссия” фаолиятини қонунчилик ҳужжатлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган (12.01.2015й. 20-66 “с” ва 15.01.2015й. 01-СП сонли қарорлар) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган Низомга мувофиқ ташкил этилишини таъминлаш.

**3.20.** Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини таъминлаш борасида қуйидагиларни амалга ошириш:

- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини Тармоқ корхоналари ва уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари зиммасига юклатиш;

- ишга қабул қилишда ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни яратиш;

- хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликка йўл қўймаслик.

**3.21.** “Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантириш стратегияси”га мувофиқ ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ҳамда “Тоғ қон саноати ва геология” вазирлиги шаънига путур етказиш қалтисликларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мажбуриятини олган ҳолда тарафлар:

- модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш жараёнларини жадаллаштириш, энергия тежамкорлигини таъминловчи замонавий технологияларни жорий қилиш;

- ишлаб чиқаришда электроэнергия ва материаллар сарфлари ва бошқа харажатларни камайтириш ҳисобига тежамкорликнинг қатъий режимини жорий

қилиш, ишлаб-чиқариш харажатлари ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини камайтириш, шу жумладан, технологик жараёнларни такомиллаштириш;

- иш ҳақининг унумдор меҳнатга ундовчи ролини кучайтириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимини такомиллаштириш;

- техник, технологик ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

#### **IV Бўлим. Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар**

**4.1.1.** Тарафлар меҳнат муносабатлари соҳасида камситмаслик, ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги, тенг аҳамиятли меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципларига қатъий риоя этишни ўз зиммаларига оладилар.

**4.1.2.** Кафолатларини таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг куйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этадилар:

“Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;

“Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;

“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция.

**4.1.3.** Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг ижтимоий – иқтисодий манфаатларини химоялаш борасида корхоналарда жамoa шартномалари орқали Меҳнат кодексида кўзда тутилган куйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш:

а) ҳомиладор аёллар учун (119, 129, 227, 392, 396, 398, 400, 404-моддалар);

б) икки ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллар учун (227, 395, 405, 407-моддалар);

в) уч ёшгача фарзанди бор аёллар учун (119, 129, 242, 392, 396, 405, 409-моддалар);

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор аёллар учун (242, 401-моддалар);

д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, ҳомий) учун (399-модда);

е) ўн тўрт ёшга тўлмаган фарзанди ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор аёллар учун (96, 227, 396, 398-моддалар);

ж) болаларни онасиз тарбиялаётган шахслар учун (406 модда).

**4.1.4.** Аёлларни хоҳишига кўра туғишгача ва туғишдан кейинги таътиллار тугагандан сўнг, уларга икки ёшгача фарзанд тарбияси учун таътил бериш ва шу давр учун қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тўлаш. Фарзанд тарбияси билан боғлиқ таътилда бўлган аёлларга уларнинг хоҳишига кўра тўлиқсиз иш вақти белгиланиши мумкин, бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқи сақланиб қолинади.

4.1.5. Ҳомиладор аёлларнинг декрет таътиллари (туғишгача ва туғишдан кейин) учун корхоналар ҳисобидан ҳақ тўлаш. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699 сонли қарори асосида).

4.1.6. Бола тарбияси муносабати билан таътилга чиқаётган аёлларга охириги йилдаги бир ойлик иш ҳақи миқдорида бир йўла моддий ёрдам бериш;

4.1.7. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклаш;

4.1.8. ишга қабул қилишда ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

4.1.9. хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни баргараф этиш.

## **V Бўлим. Ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар.**

5.1.1. Корхоналар фаолияти ва ривожланишида ёш мутахассисларнинг самарали иштирокини таъминлаш, шунингдек ёшларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларини ҳал қилиш борасида қуйидагиларни амалга ошириш:

- бошқарув салоҳиятига эга бўлган икtidорли ёш ходимларни таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва сайланма қасаба уюшма органлари раҳбарлари лавозимлари захираларига қабул қилиш амалиёти кенгайтирилишига кўмаклашиш;

- ёшлар билан ишлаш бўйича комиссиялар тузиш ва уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириб бориш;

- ёш мутахассислар ва ёш усталар кенгашини ташкил қилиш;

- “Устоз – шогирд” тизимини кенг жорий этиш ва таълим муассасаларини битириб, янги ишга қабул қилинган ёшларни малакали ва тажрибали мутахассисларга бириктириб қўйиш ҳамда қўнимлигини таъминлаш;

- ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқалар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

- ёш оилалар аъзолари бўлган ходимларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

- келишилган шартномалар асосида ўқув ишлари бўйича талабаларнинг малакавий амалиётларини ўтказишга шароит яратиш;

- талабаларнинг амалиёт дастурини бажаришда етакчи мутахассислар орасидан амалиёт раҳбарларини ажратиш ва зарурий шароитлар яратиш;

5.1.2. Корхоналарда жамоа шартномалари орқали ёшлар учун Меҳнат кодексига кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (222, 227, 228, 342, 343, 360, 411, 413, 412, 415, 420, 418, 417, 421-моддалар);

б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (167, 222, 227, 228 383, 385, 384, 255, -моддалар);

в) таълим муассасасини битирган ходимлар учун (96, 129, 167, 422-моддалар).

5.1.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ва мазкур келишув мақсадларида:

а) 30 ёшдан ошмаган ходимлар (30 ёшлилар ҳам) ёшлар деб ҳисобланадилар;

б) олий ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини битирган, таълим муассасасини битиргандан кейин олган мутахассислиги бўйича уч йил ичида ишга кирган ва ишлаётганига 3 йилдан кўп бўлмаган 30 ёшдан ошмаган ходим ёш мутахассис ҳисобланади;

в) эр-хотиннинг иккиси ҳам 30 ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказётган 30 ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл) ёш оила деб ҳисобланади.

**5.1.4.** Тизимдаги корхоналар фаолиятида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоя масаласи ечимини топиш мақсадида тарафлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли ва “Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-сонли Конвенцияларга биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб бориш;

- ёшлар билан ишлаш бўйича комплекс дастур ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқалар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

**5.1.5.** Вазирлик ва қуйи орган иш берувчилари олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш.

## **VI Бўлим. Маданий-маърифий ишларни яхшилаш учун тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар.**

**6.1.1.** “Маънавият ва маърифат” хонасини ташкил этиб, уни Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ва Республика Маънавият ва маърифат маркази тавсиялари асосида жиҳозлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стенд ва техник воситалар билан таъминлайди.

**6.1.2.** Қасаба уюшмаси қўмитасига ўз балансида турган ёки ижарага олган ижтимоий ва бошқа объектларни, шунингдек дам олишни ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш масканларини, болалар-ўсмирлар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳларини бепул фойдаланиш учун беради.

**6.1.3.** Давлат дастурларини бажариш доирасида таниқли фан, адабиёт ва санъат арбоблари, адабиётшунослар, ишлаб чиқариш илғорларини жалб этган ҳолда меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида, турли мавзуларда мазмунли ва қизиқарли учрашувлар ташкил этади.

**6.1.4.** Корхона балансидаги кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, маданият уйлари ва саройлари фаолиятини корхона ҳисобидан янада ривожлантириш, уларни

сақлаб туриш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозларини янгилаш, уларда ишловчи ходимлар ойлик маошларини молиялаштиради. Кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини янги адабиётлар билан тўлдириш, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, миллий ғоя ва маънавий-маърифий дунёқарашни ўстириш борасида тадбирлар ўтказилади.

**6.1.5.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадий ҳаваскорликнинг янада ривожланишига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, республиканинг тарихий шаҳарларига ва ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор жойларга саёҳатларни, театр, концерт ва музейларга уюштиради.

**6.1.6.** Умумхалқ ва касб байрамларини нишонлаш кунларида, хусусан “Касаба уюшмалари куни”ни нишонлаш байрам муносабати билан касб маҳорати, спорт ва бадий ҳаваскорлик бўйича мусобақа танлов ҳамда тадбирларни уюштиради.

**6.1.7.** Бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислохотларнинг мазмун моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнатқашларга атрофлича тушунтириш мақсадида ҳар ойда 2 марта “Маърифат соатлари”ни ўтказиб бориш.

**6.1.8.** Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунига биноан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

**6.1.9.** Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун етарли моддий бошқа шароитлар яратиб бериш (махсус спорт хоналарини ажратиш) ҳамда меҳнат жамоасида “ходимлар гимнастикаси” ва “спорт дақиқалари”ни жорий этади.

**6.1.10.** Жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга, турли спорт секциялари, тўғарақларига жалб этиш ҳамда улар ўртасида спартакиадалар ва спорт турлари бўйича мусобақалар уюштиради.

**6.1.11.** Касаба уюшма қўмитаси томонидан Вазирлик тизим корхоналари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини дам олиш кунларида ички туризм, диққатга сазовор жойларига – маданий мерос объектлари, музей ва зиёратгоҳларга саёҳатга чиқишларини ташкил этади.

Касаба уюшма қўмитаси ва Иш берувчи томонидан ички туризм бўйича саёҳатлар ташкил этилганда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлайди.

Шунингдек, ушбу саёҳатлар Касаба уюшма қўмитаси ва Иш берувчи маблағлари ҳисобидан ташкил этилади.

**6.1.12.** Корхона балансида бўлган спорт иншоотлари, стадионлар ва майдончаларнинг фаолиятини корхона маблағлари ҳисобидан янада ривожлантириш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш, спорт инвентарлари ва жиҳозларни янгилайди.

## **VII Бўлим. Келишувнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби**

## 7.1. Вазирлик ва касаба уюшмаси Республика Кенгаши:

7.1.1. Мазкур келишув ва жамоа шартномаларининг бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш ҳамда юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг тезкор ҳал қилинишига эришиш мақсадида корхоналарда доимий фаолият кўрсатувчи икки томонлама меҳнат-маслаҳатлашув комиссияларининг ташкил қилинишини таъминлайдилар.

7.1.2. Заруриятга қараб, лекин камида йилда бир марта мазкур келишувнинг бажарилишини Ҳайъат ва Ижроия қўмитаси мажлисларида муҳокама қилиб боришади, ушбу масала бўйича тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитадилар.

7.1.3. Келишувда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилишади, камчиликлар ва тадбирларни бажармаслик фактлари аниқланганда томонларни хабардор қилади ва камчиликларни бартараф қилиш бўйича тегишли чоралар кўрилишини талаб қиладилар.

7.1.4. Зарурат туғилганда ва фақат ўзаро келишилгандан кейингина ушбу келишувга томонлар олдин қабул қилган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритадилар.

7.2. Келишув бажарилишининг йиллик якуни тўғрисидаги ахборот Тарафларнинг вакилларида иборат бўлган комиссия томонидан тайёрланади ва **Вазирлик** ҳайъати ҳамда касаба уюшма Республика Кенгаши ижроия қўмитаси кўшма мажлисида муҳокама қилинади.

7.3. Келишувни бажаришда тарафлар ўртасида юзага келувчи баҳсли масалалар келишув комиссияси томонидан ҳал қилинади.

7.4. Келишувда кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаган ёки тўлиқ бажармаган масъул мансабдор шахсларга нисбатан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилади.

7.5. Тарафларнинг таркибий тузилишида ўзгаришлар ёки қайта тузилишлар юз берган ҳолда тегишли органлар уларнинг ҳуқуқий ворисларини аниқлайдилар ва ворислар ушбу келишувни бажаришга мажбурдирлар.

7.6. Келишувни тузган тарафлар уни барча меҳнат жамоаларига ва касаба уюшма органларига етказишни таъминлайдилар.

7.7. Келишувни бажарилиши бўйича жавобгарлик **Вазирлик** ва касаба уюшма Республика Кенгаши раиси, уларнинг ўринбосарлари ҳамда келишувдаги муайян тадбирлар бажарилиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар зиммасига юклатилади.

7.8. Мазкур Келишув тарафлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва янги келишув қабул қилингунга қадар амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-  
кон саноати ва геология вазири

Б.Ф.Исламов








Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва  
геология ходимлари касаба уюшма  
Республика Кенгаши раиси







Ш.Т.Қурбанов



**Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигидан:**

А.А.Кадирходжаев		Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазири ўринбосари, комиссия ҳамраиси;
Ф.Н.Магдиев		Геология қидирув ишларини техник мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўлими бошлиғи комиссия аъзоси;
Н.Ю.Дулабова		Ер қаърини регионал ўрганиш ва геологик хариталаш бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси;
З.С. Каримжонов		Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси;
А.Г.Нуркўзиев		Юридик бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси;

**Қасаба уюшма Республика Кенгашидан:**

Ғ.Ю.Хамидов		Республика Кенгаши раисининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси
Р.П.Джураев		Республика Кенгаши ижтимоий ҳимоя бўлими мудири, комиссия аъзоси;
Б.У.Абдуллаев		Республика Кенгаши бош меҳнат ҳуқуқ инспектори;
З.И.Ибрагимова		Республика Кенгаши молия бўлими мудири, комиссия аъзоси;
С.С.Саидмахмудов		Республика Кенгаши бош меҳнат техник, комиссия аъзоси ;
А.А.Маматов		Республика Кенгаши ижтимоий ҳимоя бўлими бош мутахассис комиссия аъзоси;